




ИШОНЧ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

30

1994
йил
23—29
июль
[172]

Мустақиллик одимлари

ТОШКЕНТ вилояти, Сирғали туманида "Мерседес-Бенц" фирмасининг техник-хизмат кўрсатиш станцияси — "Шарқ юлдузи" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси очилиши маросими бўлиб ўтди. Бу фирма машина ҳайдовчиларнинг мушкуллари осон қиладиган бўлади. Келгусида худди шундай техник-хизмат кўрсатиш станциялари республикамизнинг бошқа вилоят марказларида ҳам ташкил топиши мўлжалланган.

ТОШКЕНТ шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 3 йиллигини нишонлаш арафасида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу қарорга биноан шаҳар ҳудудинда жойлашган вазирликлар, ишлаб чиқариш корхоналари ва маҳаллалар бир ой давомида сардарлар, дарвозалар, бинолар олди, айвонларни тартибга келтирадilar, ҳовлилар, чорбоғлардаги дарахтларга шакл бериш, суғориш шаҳобчаларини тозалаш билан шугулланадилар. Корхона ва ташкилотларга бириктирилган ҳудудлараро йўللarga асфальтлар ётқизилади.

МУСТАҚИЛЛИККА эришган Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилаётган миллий ҳунармандчилик ашёлари жаҳон бозорига ўзининг мустақил ўрнини эгаллаб бораётир. Биргина Дубай шаҳрида ташкил топган мебелсозлар бирлашмасининг махсулоти Бирлашган Араб Амирлиги мамлакатларидаги харидорларга манзур бўлмоқда. Шунингдек, Тошкентдаги "Файз" ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари яратган ёғоч-ўймакорлик махсулотлари ва бошқа уй анжомлари ўзининг хушбичим ва кўркамлиги билан чет эл харидорларининг эътиборини тортмоқда.

САМАРҚАНДДАГИ "Автозаг-регат" заводини автобус йиғув корхонасига айлантириб, қўшимча қурилиш — монтаж ишлари жадаллик билан олиб борилаётган. Корхона тўла қувват билан ишга туширилса, йилга мингта автобус, уч юзта троллейбус ишлаб чиқарадиган бўлади. Ҳозирнинг ўзида ҳам завод конвейерига ўнта автобус тайёр ҳолга келтириб қўйилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ Нукус шаҳридаги "Қоратор" ва "Қорақалпоқшартномасавдо" бирлашмаси Италиянинг "Насретти этторе" фирмаси билан ҳамкорликда йилга 1,2 миллион кубометр қурилишбоп сопол қошни тайёрлайдиган завод қуришга киришди. Иншоот битгандан сўнг махсулот тайёрлаш учун зарур бўладиган хомашонинг бир қисми Бўзатов туманидаги Кусхонатоғ, бир қисми Беруний туманидаги Жумансой мавзелиридан олинади.

ЮРАК СОҒЛОМ ЭКАН...

"... Тошкент аҳли азалдан меҳнаткаш, бир сўзли, оқибатли, бағри кенг, юрт ва миллат учун бутун борлиғи билан хизмат қилишга қаттиқ бел боғлаган фидокор инсонлардир".
Ислом КАРИМОВ.

Ҳозирги авлод ажойиб тарихий воқеаларни бошидан кечирмоқда. Каттаю кичик халқимиз ва давлатимиз тарихида ғоят катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз бераётганига гувоҳ бўлмоқда. Кўп асрлик маънавий меросимиз, маданиятимиз, тилимиз, муқаддас урф-одат, анъаналаримиз қайта тикланиши борасида улкан қадамлар қўйилаётганини ўз кўзи билан кўриб турибди. Жамиятимизнинг мутлақо янги асослари шакл топиб, давлат бошқаруви, иқтисод қонунлари ўзгариб бораётир.

Бозорларимизда янги тартиб ўрнатилиб, мўл-кўлчилик, маъмурчилик барпо этиш бўйича анча-мунча силжишлар содир бўлаётганини кўриб турибмиз. Янги пулимиз барпо этилиб, аста-секин кучга кирмоқда. Серфарзанд оилалар, қариялар, қаровчис йўқ кишиларни ижтимоий ҳимоялаш бутунлай янги йўлга қўйилган. Бу борада айниқса, Ўзбекистон маркази — Тошкент аҳли гайрат-шижоат кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов кўни кеча бўлиб ўтган Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида нутқ сўзлаб, буни алоҳида таъкидлади.

Тошкент шаҳрининг Ўзбекистондаги мавқеи ва аҳамияти ҳаммамизга аён, — деди у. — У мустақил давлатимизнинг пойтахти, илмий ва маданий маркази, бошқача қилиб айтганда, унинг юрагидир. Шу сабабли Тошкентдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка, ишларнинг аҳволига қараб бутун республика ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин. Юрак соғлом экан, мамлакат ҳам қудратли бўлади, тараққиёт йўлидан дадил олға бораверади.

Дарвоқе, юрагинг соғлом бўлса, бутун вужудинг бедард, саломатдир. Тошкент ҳақиқатдан ҳам ўзбек юртининг юраги. У бетиним уриб турар экан, бутун мамлакат ҳаракатда доим. Барча вилоят, туман ундан ибрат олади, унинг ривожидан баҳраманд. Шунинг учун ҳам Президентимиз тошкентликларни ҳақиқий фидойи, ватанпарвар эканликларини ва бу амалда исбот бўлаётганини алоҳида таъкидлади. "Кўпгина ибратли ишлар, ташаббуслар, янгиликлар одатда пойтахтдан бошланади, — дейди у... — Тошкент саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч усулларидан биридир. Агар унинг фаолиятида камчилик юз берса, бунинг оқибати бутун халқ ҳужалигида сезилади" дея уқтиради яна.

Бу шаҳри азимда Ўзбекистон қудрати, салоҳиятининг энг сара, танланган кучлари, етук ва бой тажрибага эга ташкилотчи раҳбарлар, илму фан ва маданиятимизнинг таниқли намояндалари, ҳар ишга қодир мутахассислар жамлангани бутун кимга маълум эмас. Тошкентда беназир заковати туфайли муҳим соҳаларда илму фан тараққиётини белгилаб берувчи энг замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш қувватлари яратилаётганини ким билмайди. Шу ва шунга ўхшаш жуда кўп ютуқлари, ҳалоллик ва фидойиликлар билан тошкентликлар бутун дунё олдида фахрланса арзийди.

Тошкент шаҳрига жуда улкан имтиёз ва ҳуқуқлар берилган экан, пойтахтдаги ишларнинг аҳволи масаласида талабчанлик ҳам юксак бўлиши табиийдир, — деб таърифлайди Ислом Каримов. — Биз, шаҳар аҳли ва фаолларининг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, туб иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги ҳалол меҳнатлари, саъй-ҳаракатлари, изланишларини эътироф этган ҳолда ҳамма соҳаларда ҳам иш бугунги мураккаб ва масъулиятли давр талаблари даражасида эмаслигини тан олмасдан иложимиз йўқ. Камчилик ва нуқсонларга ўзимиз ҳолис баҳо бермасак, уларни бартараф этиш юзасидан шोшилмич чоралар кўрмасак, кейинчалик "касалик иситмаси" ошкор этиб қўлади.

Юртбошимиз пойтахт корхоналарида махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан пасайиб кетганлигини, машинасозлик саноатида содир бўлаётган айрим камчиликларни очиб ташлайди. Бунинг олдини олиш учун биринчи галда ўша корхона раҳбарлари, ишлаб чиқарувчилар белни маҳкам боғлаб, аввалгидан кўра кўпроқ жон куй-



дириб ишлашлари зарурлигини ҳам уқтиради. Барча юмуш ва мураккабликларни биргаликда, ҳамжихат ҳал қилиш мумкинлигини айтади. Омманнинг гамини ейиш, ҳар бир оила ўз уй-жойига эга бўлиб, фаровон турмуш кечириши учун бирдан-бир ердан берадиган банкларимизнинг фаолияти ҳақида алоҳида тўхталади. "Одамларга гамхўрлик қилиш, 20-30 йилга, керак бўлса, 40 йилга кредит бериш лозим, ўзи тўламаса, фарзандлари тўлайди", дейди.

Шу кеча-кундузда фаолият кўрсатаётган раҳбарларнинг вазифалари халқнинг турмуш даражасини кўтариш учун иқтисодий ислохотларни амалга оширишни жадаллаштириш ва ички бозорни махсулот билан тўлдириш учун тадбиркорларга кенг йўл очиб беришдан иборатдир. Бу ўринда раҳбарлар масъулият ҳис қилиб, ҳалол ва пок, тадбиркор,

ташаббускор бўлишларининг аҳамияти бекиёсдир. Шунинг учун "раҳбарлик — лавозим, мансаб эмас, — дейди Президентимиз, — аввало одамларга хизмат қилиш масъулият эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбар дегани ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва равнақи учун елиб-югурадиган фидойи инсон бўлиши керак".

Бўлиб ўтган сессияда шунга ўхшаш қатор камчиликларни очиб ташлаган Ислом Каримов Тошкент шаҳри бутун мамлакатта намуна бўладиган ажойиб марказга айланишига ҳам умид боғлайди. Ана шу улуг мақсад йўлида барча қатор камчиликлар барҳам топиши ва аҳиллик, ҳамжихатлик қарор топишига ишонч билдиради.

Шундан маълумки, эртаминг порлоқ, турмушимиз фаровон бўлиши жуда яқин. Иншооллоҳ шундай бўлсин!

ХАБАРЛАР МАҒЗИ



• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов Германия Федератив Республикаси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги расмий делегацияси раҳбари, парламент давлат котиби Ганс Петер Репинкини ҳамда Германиядаги Аденауэр жамғармаси бошқаруви раиси

доктор Герд Ланггутни қабул қилди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Фармони билан Рустам Расулович Юнусов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинланди.

• РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасида мустақиллик байрамини уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И.

Жўрабеков бошқарди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ Козим Носирович Тўлаганов Тошкент шаҳар ҳокими этиб тайинланди. Аҳкамбек Иброҳимович Фозилбеков эса бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод этилди.

• МИНГБҮЛОҚ нефть қонини ўзлаштиришдаги самарали меҳнатлари ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун республика нефть ва газ

саноатининг алоҳида ўрнатган кўрсатган ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан "Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими" фахрий унвонлари ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ерликларига сазовор бўлдилар.

• РЕСПУБЛИКАМИЗДА Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишланган аскар қўшиқлари умумармия фестивали бошланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги олдидан

МУСТАҚИЛЛИК ИСТИҚЛОЛДИР,
АДОЛАТДИР, ИНСОНЛАР ВА ҲАР
БИР МИЛЛАТНИНГ АБАДИЙ
ОРЗУСИДИР.

Андижон

МЕҲНАТИМ, САНЪАТИМ
СЕНГА, ҲУР ВАТАН

Уч ой ёзининг ҳар шанба, якшанбаси андижонликлар учун дил яйрар байрам тусини оладиган бўлди. Шанба Ҳазрат Навоий номидаги боғда, якшанба Боғишамолдаги Боғи Бобурда тонг билан карнай-сурнай садолари янграйди. Ишлаб чиқариш ва халқ ҳунармандчилиги кўргазмалари, савдо расталари, қовун, ҳандалак сайиллари. Бир ёнда спорт беллашувлари, дорбозлару полвонларнинг куч синашлари, катта саҳнада эса дилрабо кўшиқлар, жозибали рақслар, аскиялар, саҳна кўринишлари, сўз усталарининг латифаларию ҳангомалари... Буларнинг бари Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Меҳнатим, санъатим сенга, ҳур ватан", деб номланган маданият байрамлари шарофатидир. Мухбиримиз Андижон вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Уктамжон Ҳайдаров билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Оммани ўзига шу қадар жалб қила олган байрам мақсадини шарҳлаб берсангиз.

— Ёз ҳордиқ фасли, элли кайфиятини кўтариш, чарчоғини ёзиш асосий мақсадимиздир. Мустақиллик юрт учун тўқинлик, эркинлик буюк неъмат, буюк бахт эканлигини тараннум этиш, ҳали эл-юрт билмаган ижодкорларни кашф этиш. Ҳамма иштирокчилар белгиланган кунлари Андижонга келадилар. Озиқ-овқат ва саноат моллари савдоси ярмаркалари ташкил этилади. Ҳар бир тумандаги корхоналар маҳсулотлари кўргазмаси уюштирилади. Уша кунлари шаҳарликлар бозордан бир неча марта арзонроқ, сифатли маҳсулотлар харид қиладилар. Энг муҳими, қайси туман ёки шаҳар нима ишлаб чиқаришга қодирлиги, у ердаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари билан танишиб, шоирларнинг чиқишлари, санъаткорларнинг байрам дастурларини томоша қилиш билан ҳордиқ олишади.

Балиқчи туманининг маданият кунлари андижонликлар ёдидан чиқмаса керак. Улар тонг қоронғусиданоқ оқ от минган жарчи билан кириб келдилар. Жарчининг "Одамлару одамлар..." деган жарангдор овози шаҳарни уйқудан уйғотди. Ушанда одамлар истироҳат боғига сигмай кетди. Боққа минг хил кўргазма, савдо расталари тўлиб кетди. Бозор баҳосининг 50 фоизгача нарх билан гўшт сотилди. Балиқчилар эмасми, бир донаси бир қўйдек келадиган балиқларни кўз-кўз қилиб, арзон нархда элга сотишди. Саҳнада ажабтовур дастурлар намойиш этилди. Таниқли "Сўтақўзи" театр гуруҳи, Тошкентдан келган "Наво" жамоасининг Ҳасан-Ҳусанларини Балиқчи туманиликлар олқиш билан кутиб олишди. Асаблар дам олди. Рўзгорнинг кемтиклари бутланди.

Қорасу ва Асака шаҳарлари, Избоскан, Пахтабод туманларининг байрам кунлари ҳам ана шундай ўзига хос тантана билан ўтди. Избосканлик санъаткорлар Фароғат Мамадалиева, Уктамжон Собиров, таклидчи, қизқич Озодбек Исмоилов, асакалик аскиячи йигитлар, "Шаҳнозалар" рақс гуруҳи шу кунги эл имтиҳонидан ўтишди, десак бўлади. Шаҳарликларимиз шанба ва якшанба кунлари ўтказиладиган бундай сайилларга жуда ўрганиб қолишди. Бир ҳафталик рўзгор камчилигини шу кунни харид қилиб олишга улгуришади. Шод-хушрамлиқ билан мустақиллик кунига яқинлашяямиз. Нафақат шаҳарлар, туманларимиз байрам тусига кириб бормоқда. Тантаналар билан бирга ўзаро

совға-саломлар алмашишлар, корхоналар ўртасида шартнома тузишлар ҳам одат тусини олмақда.

— Ана шу ҳамкорлик ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз...

— Избоскан тумани маданият кунларига Андижон самолётсозлар заводи билан вилоят хизмат концерни ва "Озодлик" маҳалласи ҳамий сифатида қатнашди. Лекин ҳамийларнинг вазифаси байрам ўтказиш учун сарфланадиган маблағларга ёрдам беришдан иборат эмас, балки ўзаро дўстлик,



Бухоро шаҳар "Нигора" тикувчилик фабрикасининг иккинчи цехи биринчи бригадаси ишчиларининг ўн турдан ортиқ матолардан тикаётган кийим-кечаклари сифати, бежиримлиги билан элга манзур бўлмоқда. Уларнинг ойлик режалари 110, 115 фоз бажарилади.

Суратда илғор тикувчилар чапдан Нодира Юсупова, Олима Ҳайитова, цех бригадир Назира Ҳусановаларни кўриб турибсиз.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

ҳамкорликни йўлга қўйишдир. Уша тумандаги ҳунармандлар билан механика заводи ҳамкорлик қилиши ёки хизмат концерни Избоскан туманида ҳамкорлик билан иш юритишга қелишиб олишди. Шу усулда уларнинг ўзаро дўстлиги донимийга айланди. Қатор шартномалар, битимларга имзо чекилди. Ривожланиш, юрт тараққиёти учун бунинг аҳамияти каттадир.

— Кўрик-танловларда мукофотлар, қандайдир имтиёзлар беришлар ҳам ташкил этилса керак?

— Албатта. Беш гуруҳдан иборат ҳакамлар ҳунармандчилиги, спорт, адабиёт ва санъат, савдо уюштириш бўйича баҳо белгилайдилар. Умумлашган баҳоларга қараб, ғолиблар аниқланади. Биринчи ўринга лойиқ топилган туман ёки шаҳар 30 миллион сўм-купонлик пул мукофоти ҳамда Мустақиллигимизнинг уч йиллиги муносабати билан республикамиз пойтахтида ўтказилган тантаналарида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Дам олиш кунлари бизда ана шундай вақти чоғлик билан ўтмоқда.

Суҳбатдош: Замира РЎЗИЕВА, "Ишонч" мухбири.

Бухоро

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Вилоятимиз меҳнат аҳли Мустақиллик кунини шунчаки оддий байрам сифатида эмас, балки халқимиз қалбида асарлар давомида орзу-армон бўлиб келган озодлик ва ҳуррият гоёлари рўёбга чиққан муқаддас кун, жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бораётган Ватанимиз — Ўзбекистонга бўлган меҳр-муҳаббатнинг, чексиз ифтихорнинг рамзи сифатида нишонлашга аҳд қилган. Чунки ўтган 3 йил мобайнида республикамиз, шу жумладан, вилоятимиз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй берган қувончли ўзгаришлар, миллий қадриятларимизнинг турмушга тобора чуқурроқ сингиб бориши, истиқлол мафқурасининг қарор топаётгани ана шу мустақиллик шарофатидир. Маҳаллий хомашё ва ички ресурсларидан унумли фойдаланган саноатчиларимиз шу йилнинг

туманларида 25 та йирик қўшма корхонани барпо этиш кўзда тутилган.

Навқирон Қоровулбозор туманида қад ростлаётган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи республикамизни ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаши алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бу улкан корхонани ишга тушириш учун ўзбек қурувчиларига Франция ва Япония мутахассислари яқиндан кўмакдош бўладилар.

Вилоятда иқтисодий ислохотларни тезроқ рўёбга чиқаришда ҳокимликлар касба уюшмалари билан ҳамжиҳатликда қатор катта ишларни амалга оширмоқда. Маиший хизмат, савдо ва маҳаллий саноат бўйича хусусийлаштириш жараёни ниҳоясига етказилди. Шу йилнинг биринчи ярмида вилоятда 309 корхона хусусийлаштириб, уларнинг 26 таси ҳиссдорлик жамиятига, 31 таси жамоа ва 252 таси шахсий корхонага айлантирилди.

Мустақил Ўзбекистонимиз хирмонига 2850 тоннага яқин пилла армугон этилди. Давлатга дон сотиш режаси ҳам бажарилди. Ҳар йили республикада биринчилар қатори пахта тайёрлаш режаларини бажараётган бухоролик деҳқонлар мўл-ҳосил олиш ниятида далаларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирги молиявий қийинчиликларга қарамай Домхўжа-Навоий—Бухоро сув қувурининг қурилиб, фойдаланишга топширилиши ҳамда бухороликларнинг тоза ичимлик сув ҳақидаги кўп йиллик орзу-армонлари ушалиши Президентимизнинг, республика ҳукуматининг халққа ғамхўрлиги тимсолидир.

Эл соғлиғи — юрт бойлиги, деган ҳикмат фақат истиқлол туфайли ўзининг ҳақиқий ифодасини топмоқда. Яқинда 13 миллиард сўм-купон маблағ сарфланиб, режадаги 30 ой ўрнига 11 ой ичида қурилган Вобкент туман марказий касалхонаси, шунингдек, Бухоро болалар саломатлик маркази, вилоят онкология диспансери ва бошқа шифо масканларининг фойдаланишга топширилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний каби буюк алломаларнинг юбилейлари кенг нишонлангани, қадимий обидалар, асору-атиқалар ўз ҳолига келтираётгани, вилоятимизда "Бухоро ва жаҳон маданияти" мавзусида халқаро симпозиум ўтказилгани миллий қадриятларимиз тобора юксалиб, сайқал топаётганидан гувоҳлик бериб турибди.

Бухорои Шариф номи билан етти иқлимга танилган бу муборак шаҳар ташкил топганига яқинда 2500 йил тўлади.

Ёрқин келажакка элтувчи йўлнинг кўпгина машаққатлари ҳам бор. Вилоят иқтисодий — ижтимоий ҳаётида учраб турадиган камчилик ва нуқсонлар ана шу машаққатларни енгиш ҳамма вақт ҳам осон эмаслигини кўрсатади. Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзга чиққан юртбошимиз И. А. Каримов ишжимиздаги ана шу камчиликларни очик-ойдин кўрсатиб ўтдилар.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ҳар гектар ердан унумли фойдаланиш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириб, ҳар бир инсонда муллка, юртга эгачилик туйғусини шакллантириш, маънавий ва маърифатни янада юксалтириш режалари белгиланган бўлибди. Бу вазифаларни шараф билан бажариб, вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга, республика мустақиллигини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга астойдил интилиш ҳар бир бухороликнинг қалб амрига айланган.

Абдужалил ХАЛИЛОВ,
Бухоро вилояти
ҳокими ўринбосари.

ОРЗУЛАРИМ КЎП...

Биз омадли авлод бўлдик. Каримова, Гулзода 10 та ҳунар лицейи, 4 та Ахир қарам бўлган юртни Ҳайдаровалар билан ўзим ихтисослашган лицей овоз кўрай деган не бир қизиккан физика-математика фанини чуқур ўрганипман. Биздан бир авлод Бизга Андижон Давлат катта опа-акаларимиз эса Университети, Андижон элгон этикидод, адашган ихлос руҳиятида ўқишган, домлалари дарс беради. Инг-улғайишган. Биз эса мустақил кунларга тўғри келдик. Ҳозир физика-математика соҳасига ихтисослашган лицейларимизда энг иқтидорли болалар билим олишяпти. Мен ҳам дугоналарим Сайера Наргиза Тошпўлатова, Андижондаги 8 та гимназия,

Юмоллашган баҳоларга қараб, ғолиблар аниқланади. Биринчи ўринга лойиқ топилган туман ёки шаҳар 30 миллион сўм-купонлик пул мукофоти ҳамда Мустақиллигимизнинг уч йиллиги муносабати билан республикамиз пойтахтида ўтказилган тантаналарида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар. Дам олиш кунлари бизда ана шундай вақти чоғлик билан ўтмоқда.

Суҳбатдош: Замира РЎЗИЕВА, "Ишонч" мухбири.

Муаззам ЁҚУБОВА,
толиба.

УМРИНГГА БАРАКА, БОЛАЖОНИМ!

Мустақил республикамиз келажакни маънавий етук, жисмоний бақувват ешларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан кейинги йилларда уларнинг камолоти ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. "Соғлом авлод учун" ордени ҳамда шу номдаги махсус жамғарма таъсис этилганлиги ҳам бежиз эмас.

Вилоятимизда яшовчи аҳолининг кўпчилигини мактабгача ва мактаб ешидаги болалар ташкил

этади. Уларни кўнгилдагидек тарбиялаш, сиҳат-саломатлигини таъминлаш асосий вазифа қилиб қўйилган. Бу борада биз шифокорлар ҳам қўлдан ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. "Соғлом авлод учун" ордени ҳамда шу номдаги махсус жамғарма таъсис этилганлиги ҳам бежиз эмас.

Вилоятимизда яшовчи аҳолининг кўпчилигини мактабгача ва мактаб ешидаги болалар ташкил

Соня ҚОДИРОВА,
1 даражали "Соғлом авлод учун" ордени нишондори,
Бухоро шаҳри.

Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий ҳимоя қилишда собитқадамлик билан иш тутмоқдалар. Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг ижтимоий ҳимоя аниқ адресли бўлиши лозимлиги ҳусусидаги кўрсатмаларни амалга оширишда яхши натижаларга эришилмоқда. Ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, ёрдамга муҳтож серфарзанд оилаларни йўқлаб, кўнгил сўраш, совға-саломлар улашиш — касаба уюшмалари раҳбарларининг диққат марказида.

Яхшилик ерда қолмайди, дейдилар. Бу ҳикмат ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда.

Е. А. Тарасова — меҳнат фахрийси: Етмиш олтидаман.

Умримнинг кўпи меҳнат билан ўтди. Термиз шаҳар маиший хизмат комбинатида директорлик, сўнг 17 йил давомида маҳаллий саноат ва коммунал корхоналар ишчилари вилоят касаба уюшмаси кўмитасига раислик қилдим. 1981 йилдан меҳнат фахрийсиман.

Уч нафар фарзанд ўстирдим. Уччаласи ҳам бахтини топиб, бирин-кетин Россия томонларга учирма бўлиб кетишди. Хизматчилик эмасми, истаганда йўқлаб келиша олмайдим. Бахтимга, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналари ишчилари вилоят касаба уюшмалари кўмитаси раиси Тамара Қўзиева бор экан, вақти-вақти билан уйимга келиб, ҳол-аҳвол сўраб туради.

Уни кўрсам нақ қизини кўргандай бўлавераман. Унинг мақсад, интилишида ҳозирги касаба уюшмалари мақсад, интилишлари муҳассамлашган. Доим яхшилик ҳақида ўйлаб, яхшилик ҳақида гапирди. Олдинги келганида кўмита ҳисобидан "Ишонч—Доверие" газетасига 1994 йил учун обуна қилдириб кетганди. Яқинда Наврўз билан табриклади. Кўмита ҳисобидан 15 минг сўм ёрдам пули ҳам бериб кетди. Биздек қарияларни унутмагани учун

касаба уюшмалари асло-асло кам бўлмасин, деб, алқайман.

Акмал ИСЛОМОВ — Термиз кооператив техникуми ҳисобчилик бўлими 2-босқич талабаси: Савдо, умумий овқатланиш ва матлубот кооперациялари ходимлари касаба уюшмалари вилоят кўмитаси ўз ҳисобидан техникумимиз аълочи ўқувчилари учун иккита стипендия ташкил қилибди, деган гапни эшитганимда, унчалик ҳам ишонмаган эдим. Ахир ҳозирги иқтисодий шароитда бундай саховатпешалик қилиш осонми, деб юборгандим. Йўқ, янглишган эканман. Яқинда техникумимиз жамоаси иштирокида шу стипендияларни топшириш маросими бўлди. Қишқи имтиҳонлар якунларига кўра, кўмита

н о м и д а г и стипендиянинг биринчиси — талаба Дилноза Яхшибоевага, иккинчи стипендия — менга насиб этди.

Оилада олти жонмиз — беш бола ва онам.

Отам вафот қилганлар. Беш болани едириб-кийинтириш, мен — катта фарзандни бошқалардан кам қилмайин, деб, елиб-югуриш ёлғиз онамга (илоё, умрлари узок бўлсин) осон бўлмаяпти-да. Мана энди, лоқал бир ойга бўлса ҳам, онаминг оғирини енгил қилганимдан мамнунман.

Стипендияни қабул қилиб олар эканман, уни жорий қилган кўмита раиси Ҳамид ака Қўзимуродов сиймосида ота меҳрини кўрдим. Шундай кишилар бор экан, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар ўткинчидир, жамиятимиз эса, чин инсонпарвар жамият бўлади.

Шу дил изҳорларидан иккитасининг келтириш кифоя деб ўйлайман. Зеро, яхшилик саховат бўлгани каби у ҳақда яхши гап айтиш дил изҳорларига тегишлидир.

Саломжон МЕНГНОВОВ,
"Ишонч" мухбири.

САХОВАТ ВА ДИЛ ИЗҲОРЛАРИ

ЯХШИ НИЯТ

Фаргона вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси мажлисида тармоқ меҳнаткашларининг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Бу ҳақда маъруза қилган кўмита раиси И. К. Абдуллаев ҳамда музокарада сўзлаган нотиклар тармоқ меҳнатчиларининг бугунги кундаги турмуш тарзини фаровонлаштириш, Ўзбекистон Президентининг шу йил 25 июнь кунини Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш ҳақида тўхталдилар.

Кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Мажлисида ташкилий масала ҳам кўрилди. Тармоқ вилоят кўмитаси оммавий-ташкилий ишлар бўлими мудири бўлиб ишлаб келган Р. Темиров кўмита раиси муовини этиб сайланди.

Мажлис кўмита конференциясини ноябрь ойида чақаришга қарор қилди.

"Ишонч" мухбири.



Шаҳрисабз туманининг Мирзо Бобур номидаги ҳўжалиги пахтакорлари бу йил ерга ҳар доимгидан 20 кун олдин уруғ қадашлар Хўжалик пахтакорлари бу йил 445 гектар майдонга экилган "Наманган-77" эртапишар навиға катта умид билан қараб, гектаридан 27 центнердан ортиқ ҳосил олишни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

Суратда: Тажрибали механизатор Мустафо Нуримов.

Ш. Шаропов олган суратлар (ЎЗА).

Тошкент вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси кам таъминланган оилаларга аниқ, адресли ёрдам кўрсатиш дастурини ишлаб чиқди. Мухбиримиз Бекобод туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитасида бўлиб, унинг раиси Тошмамат Ширинов билан шу ҳақда суҳбатлашди:

— Вилоят кўмитаси томонидан таъинланган сўровнома асосида 196 та кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оила борлиги аниқланди, — дейди у, — ана шу маълумотлар асосида ҳар бир оилани биттадан корхона, ташкилот, ҳўжалик, фирма, фермер ҳўжаликларга бириктириб қўйиш таклифи киритилди. Туман ҳокимлиги бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, адресли ёрдамни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Натижа ёмон бўлмади. Туман ҳўжаликлари ўзларига

бириктирилган оилаларга вакиллари юбориб, яшаш шароитлари, нималарга муҳтожликларини аниқлаб, амалий ёрдам кўрсатиш режасини туздилар.

Рўйхатга олинганларга 5 миллион 226 минг сўм-купон, 1845 килограмм гўшт, 4150 килограмм гуруч, 1090 килограмм пахта ёғи, 2800 килограмм ун ва бошқа

БЕМИННАТ ЁРДАМ

кундалик зарур маҳсулотлар тарқатилди. Қурилиш ташкилотлари ҳам таъмирлаш ишлари бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва моллари учун ем-хашак билан ёрдам кўрсатмоқдалар. Ногирон ёки касалмандлар тиббиёт муассасаларига ҳам бириктиб қўйилган. Улар бепул доридармонлар билан таъминланмоқдалар.

Вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси ўз оталигидаги

"Авангард" жамоа ҳўжалигида яшовчи етим болалардан хабар олиб туради.

Бекобод ун заводи "Ғалаба" жамоа ҳўжалигида яшовчи Муқаддас Саримсоқова, Роҳила Холбоеваларнинг оилаларига 100 минг сўм-купондан пул ва 100 килограммдан ун берди. "Зафар" агросаноат комбинати Зулхумор Холмонова оиласига 90 минг

сўм-купон ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам кўрсатди.

Ҳомийлик қилувчи ҳўжалик ва ташкилотлар ёрдами билан туманда 12 оилага уй-жой қуриш ва таъмирлаш ишларида ёрдам берилди. Биз туман ҳокимлиги билан биргаликда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида қайта сўровнома ўтказишни режалаштирганмиз.

Суҳбатдош:
Темур ҲАЙДАРОВ.

Ҳисобот-сайловлар ШАРТНОМА НАЗОРАТДА БЎЛСИН

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Истиклол" жамоа ҳўжалигида 845 нафар касаба уюшма аъзоси бор. Улар II та касаба уюшма гуруҳларида фаолият кўрсатишяпти. Меҳнатлари унумли бўлишига эришиш учун мусобақа шартлари ишлаб чиқилиб, илғорлар рағбатлантирилмоқда. Илғорларга эсдалик совгалари олишга 2 миллион 720 минг сўм маблағ сарфланди.

Ҳўжалик касаба уюшма ташкилоти ҳисобида турган кишиларнинг 127 нафари санаторий ва дам олиш уйларида даволандилар. 77 нафар киши республикаимизнинг тарихий шаҳарларини зиёрат қилиб қайтишди. Ҳисобот даврида 27 нафар кишига ҳўжалик маблағи ҳисобидан нафақа тайинланди. 6 нафар оила боқувчисини йўқотганлиги учун қўшимча маблағ олмақда.

Участка олиш учун ариза берганларнинг 327 нафари ер билан таъминланди. Бу масала билан Жанбул Ноширов бошчилигидаги гуруҳ муваффақиятли шуғулланмоқда.

Касаба уюшма кўмитаси раиси Қўчқор Султонов ҳисобот-сайлов мажлисида худди ана шу ютуқларни шарҳлаб ўтиб, айрим камчиликлар устида ҳам тўхталди. Кейинги икки-уч йил ичида ҳўжаликда кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш режалари урдаланмай қолиб, йил охирида одамлар меҳнатларига яраша ҳақ ололмадилар. Шунинг учун ҳам ўтган йили кўплар ишга чиқишмади. Чегит экиш учун ажратилган ер қўшни ҳўжаликдаги аҳолига ижарага берилди. Шундан сўнггина бригаданинг собиқ аъзоларида ишлаш истаги пайдо бўлди.

Кўрилган чора-тадбирларга қарамай 1-3- бригадалардаги меҳнат интизоми суст. Учинчи бригаданинг бошлиги беш ой ичида икки марта ўзгартирилди.

Механизатор ва чорвадорларни махсус кийим-бош билан таъминлаш ва иш шароитини назорат қилиш касаба уюшмаси кўмитасининг муҳим вазифасидир. Кейинги йиллар бу борада амалий фаолият кўрсатиш ўрнига турли

баҳоналарни рўқач қилиш одат тусига кириб қолган. Оқибатда механизаторлар мавсумий махсус кийимлар олишолмаяпти. Жамоа шартномасидаги меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги тadbирларни бажарилиши таъминланмади.

Ҳисобот даврида кўмита жамоа ҳўжалиги бошқаруви билан 16 марта қўшма йиғилиш ўтказилди. Уларда меҳнат интизоми, ҳақ тўлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоа шартномасини бажарилиши, техника хавфсизлигига риоя этиш каби масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган эди.

— Деҳқонларга айрим озиқ-овқат турлари ҳўжалик томонидан берилмаяпти, — деди музокарада сўз олган М. Исломов. — Илғор ҳўжаликлар эса деҳқонларга ун, ёғ, гуруч ва бошқа маҳсулотлар тарқатмоқдалар. Бизда кишлоқ ҳўжалик экинлари ҳосилдорлиги паст. Режа урдаланмаяпти. Режа бажарилсагина етиштирилган ҳосилнинг маълум қисми ҳўжалик бошқаруви ихтиёрида қолади. Бунга эришиш учун касаба уюшмаси кўмитаси жамоа ҳўжалиги аъзолари ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш керак. Ана шундагина аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш яхшиланади.

— Ҳисобот маърузасида меҳнаткашлар жамоа ҳўжалиги бошқарувиға ишонмай қўйганлиги таъкидлаб ўтилди, — деди К. Соттибоев. — Ҳўжалик аъзоларига ваъдалар бериш билан кифояланиш, ҳўжалик маъмурияти зиммасидаги мажбуриятлар амалда бажарилмаслиги натижаси бугун айнан билинмоқда.

Бу йилги мақсад режадагидан кўпроқ ҳосил етиштириб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларнинг бир қисмини ҳўжалик омборидан тарқатишга эришишдир.

Мажлис якунида ташкилий масала кўрилиб ҳўжалик касаба уюшмаси кўмитаси янги аъзолари сайланди.

Саидазим ШАРОФХОНОВ,

"Ишонч" мухбири.

ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИ ДЕБ ТОПИЛДИ

Андижон вилояти қурилиш бошқармаси касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида кўмита раиси Н. Сенчукова маъруза қилди. Бошқарманинг турли иншоотларида ишлаётган бригадирларнинг 87 вакили иштирок этган бу йиғилиш талаб ва таклифларга, қизгин мунозараларга бой бўлди. Музокарада қатнашган қурилиш бригада бошлиқлари А. Мухитдинов, О. Раҳимов, қурувчилардан О. Эралиев, Б. Сулаймоновлар кўмитанинг фаолияти ҳақида фикр юритишиб, қурувчиларнинг иш шароитлари яхшиланганини,

зарарли иш жойларида меҳнат қилаётганларни махсус маҳсулотлар билан таъминлаш йўлга қўйилганлигини мамнунлик билан тилга олишди. Қурилиш бошқармаси бошлиғи А. Абдувоҳидов қурувчиларнинг ижтимоий ҳимояси соҳасида фаолият кўрсатаётган касаба уюшмаси кўмитаси билан бошқарма ҳамшира ҳамкор бўлиши кераклигини уқтирди.

Йиғилиш кўмита фаолиятини қониқарли деб топди. Н. Сенчукова эса қайтадан кўмита раиси этиб сайланди.

Замира РЎЗИЕВА,
"Ишонч" мухбири.

БОЗОРЛАРДА НИМА ГАП?

ЖИЗЗАХ вилоят давлат солиқ бошқармаси миллий валютани муомилага киритиш муносабати билан ўн банддан иборат иш режаси, Вазирлар Маҳкамасида солиқ идоралари адресига айтилган танқидий мулоҳазалардан келиб чиқиб, бозордаги камчиликларни бартараф этиш учун тадбирлар тузиб, иш олиб бормоқда.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят давлат бошқармаси ва касаба уюшма фаоллари иштирокида тўрт тезкор гуруҳ тузилиб, туманлардаги бозорларни, савдо расталарини назорат қилишга киришди.

Жиззах шаҳридаги "Олмазор" ва "Темир йўл бекати" бозорларидаги аҳволни ўрганиш, олиб-сотарлар, нарх-навои оширувчиларга қарши курашиш мақсадида 4 гуруҳ фаол ташаббус кўрсатапти. Ҳафтанинг бозор кунлари Жиззах туман солиқ инспекциясидан 20 киши, Жиззах шаҳар солиқ инспекциясидан 34 киши, вилоят давлат солиқ бошқармасидан 28 киши, милиция бўлиmlаридан 30 киши гуруҳларга бўлиниб, чайқовчиларнинг пайини қирқиб йўлида иш олиб борадилар.

Шундай текширишлардан бирида 53 нафар тартиббузарлар аниқланди. Шундан 8 тасига Ўзбекистон Республикаси МХКнинг 116-модда, 3-банди бўйича 45 фуқаро ўша кунунинг 175-моддасини бузганлигида айбланди. Қонунбузарлар 55 хил мол, 38 шиша арок, 100 литр пиво, дори-дармонлар билан қўлга тушди.

"Олмазор" бозори кўздан кечирилган пайтда деҳқонлар етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини арзон нархда сотиб олиб, қиммат баҳода сотаётган 20 дан зиёд олиб-сотарлар рўйхатга олинди ва Тожи Мелиева, Неъмат Зиедов, Баҳром Тошпўлатов, Абдусами Ёрматов, Мирзо Файзиев, Бувойша Тошматова, Шарофат Курбонова, Хурсан Турдиева, Ҳанифа Ортикова, Мунира Маманазарова, Тожи Хошимова, Лутфи Нишанова, Ойбуви Норматова, Илҳом Ўсаров, Асқар Очилов сингари олиб-сотарлар огоҳлантирилди.

Тадбиркорликнинг тақиқланган банди билан шугулланганлиги учун 20 нафар фуқарога баённома тўлғазилди. 21 нафарига тегишли хужжатлар тўлғазилди, моллари ашъевий далил сифатида олиб қўйилди. Фуқаро Матлуба Турсунова хужжатсиз бир яшиқ маргариннинг ҳар килосини 10 минг сўм-купонга сотаётганда қўлга тушди. Маъмура Сирожиддинова эса

50 метр пардалик матога сертификат олгани ҳолда тўрт хил 70 метрлик мато сотаётгани хужжатлаштирилди. Дилором Юсупованинг 650 дона банка копоғи, 37 сигарет, аптекада сотилиши керак бўлган дори-дармонлар, чет элда ишлаб чиқарилган саноат моллари сертификати ва тегишли хужжатлари бўлмаганлиги сабабли ашъевий далил сифатида олиб қўйилди. Сурхондарё вилоятидан пиёз олиб келган Ф. Жўраев, И. Нормуродовларнинг маҳсулотларига аниқлик киритиш учун ўша вилоятга сўров хати юборилди. "Тожи" савдо ишлаб чиқариш ҳиссасдорлик жамиятига қарашли 29-дўкан мудир Т. Маликов Хитойдан келтирилган кўк чойни хужжатсиз сотаётганлиги маълум бўлиб, 36 минг 512 сўм-купонлик кўк чойи ва макарон камомади аниқланди.

Дори ишлаб чиқарадиган корхонаси бўлмай олиб-сотарлик, чайқовчилик билан бозорларни "аптека"га айлантириб олган Гайрат Бердиевдан 26 хил, Тания Капитановадан 14 хил, Халима Газиулинадан 12 хил, Дилором Одиловадан 8 хил дори-дармон ашъевий далил сифатида олинди ва уларга баённомалар тўлғазилди.

Текшириш жараёнида "Маърифат" кичик корхонаси, "Садаф", "Агат" хусусий фирмаси сотувчилари Киме Шукурова, Дилшод Ҳакимов, Жамила Каримова, Улфатой Раҳмонова, Фароғат Холматова, Шавкат Отауллаевлар ўз ихтиёрларидаги саноат моллари ва кийим-кечақларга оғизга сиққанча нарх қўйиб сотаётганлиги маълум бўлди. Уларда маҳсулотларнинг сифатини, нархини кўрсатувчи ҳеч қандай сертификат йўқ.

Жиззах вилоятининг Зомин, Ўсма, Галлаорол, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл, Зарбдор, Зафаробод, Янгиқишлоқ бозорларида ҳам текширув олиб борилапти. Бу ерларда ҳам олиб-сотарларга, чайқовчиларга тегишли чоралар қўлланиб, пайлари қирқилмоқда.

Жиззах шаҳар "Олмазор" ва "Темир йўл бекати" деҳқон бозорларидаги содир этилган камчиликлар учун бозор директорлари Жўракул Тўраев ва Абдували Мусаевлар вазифаларидан озод этилди.

Эркин СОДИҚОВ,
Жиззах вилоят давлат солиқ
бошқармаси бошлиғи,
Алибой ЭРГАШЕВ,
"Ишонч" мухбири.

Шу йили 9-хунар-техника билим юрти ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. Вазирлик буйруғи билан мазкур билим юрти Деҳқонobod қишлоқ хўжалик лицейига айланди. Эндиликда Гулистон туманидаги бу ўқув даргоҳи фақат Сирдарё вилоятида эмас, балки республикада ҳам нуфузли муассаса ҳисобланади.

Билим юрти 1978 йилда ташкил қилинган эди. Шуниси эътиборлики, биринчи кундан унга Орол Милтиқбоев раҳбарлик қила бошлаб, ўн олти йил бўлибдики, ҳамон шу даргоҳга бошлиқ, Ўқув жараёни икки босқичда ташкил этилади. Биринчи босқичда ўрта маълумот билан бирга икки хил мутахассислик берилади. Иккинчи босқични муваффақиятли тугатган талабалар қишлоқ хўжалик билимгоҳларининг иккинчи курсига қабул қилинаверади.

— Бу йили лицейга 13 мутахассислик бўйича ўқувчилар қабул қилинади, — дейди Орол Милтиқбоев. — 1998 йилдан билим юрти даргоҳи лицей дастури бўйича ишлайди. Ишлаб чиқариш базаси кенгайтирилади, етоқхона қурилади. Бу йил ўз кучимиз билан узунлиги 56 метр, эни 24 метрлик бостирма қурдик. Унинг атрофи беркитилиб, иситиш тармоғи қурилади. Агар бу ишни бирорта

курувчига берсак, биздан катта пул олар эди. Айниқса, ўқув хўжалигидаги ишлар, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари мактовга лойиқдир. 1978 йилда билим юртида кичик ёрдамчи хўжаликка асос солинган эди. Ўшанда директорнинг ташаббуси билан ходимларнинг ҳар бири 30 сўмдан пул тўлаб,

Юшасиз, юлқазмайсиз

2 бош соғин сигир олинган эди. Ҳозир бу хўжаликда 65 бош қорамол, 2 бош от бор. 92 нафар ходимнинг ҳар бири йилига 20 килограммдан гўшт олади. Бир неча йилдан бери 64 қути асалари боқилади. Ҳар бир ходимга йилига 5 килограммдан асал берилади. Талабалар ошхонасида ҳаммаша асал бўлади. Булар ходимларни ижтимоий ҳимоялашнинг бир қисми, холос.

Ўқув хўжалиги ҳисобида 183 гектар ер бор. Шундан 84 гектари ўзлаштирилган. Кузда 40 гектар ерга бугдой экилган. Ҳосил яхши

бўлди. 40 тоннаси давлатга сотилади, ҳар бир ходимга 500 килограммдан бугдой берилади. 20 гектар ерга шол экилган. Ундан камида

50 тонна ҳосил олинади. Уруғлик олиб, қолгани ходимларга тарқатилади. 9 гектар ерда маккажўхори ўстирилади. 10 гектар ерда янги бог бунёд этилди. 8 гектар янги ер ижарага берилди, ундан лицей ҳисобига 8 миллион сўм-купон пул тушди. Қолган ерларга сабзавот, полиз, супурги экилган. Булардан ҳам ходимлар, аввало талабалар баҳраманд.

Келгусида лицейнинг ўқув хўжалиги кенгайди. Сирдарё соҳилида ўзлаштирилмаган ерлар аста-секин ишга тушади, қорамоллар кўпаяди. Ҳозир 65 бош



Ўтган ойнинг 25 июнида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган ййғилиш бозорларимизга анча ўзгариш олиб кирди. Энди у-бу харид қилиш ниятида бозорга ташриф буюрган киши кўнгли анча таскин топиб, маҳсулот сотиб олади. Бироқ бу ҳаммаси жойига тушди, дегани эмас. Ҳали ҳам олиб-сотарлар, чайқовчиларнинг "уруғи" тугатилган деб бўлмайди. Аммо назорат асло бўшаштирилмаслиги зарурлигини халқнинг ўзи минг бора таъкидлаб турибди.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туман бозори ҳам шу кунларда гавжум. Бу ерда аини кунларда анча арзон нархларда картошка, помидор, бодринг сотилмоқда.

Суратда: Жарқўрғон бозорида.

Суратчи Алимурод МАМАДАМИНОВ.

— Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан солиқ тизими ходимларининг мажлиси ўтказилиб, кун сайин авж олаётган олиб-сотарликка барҳам бериш, айниқса, ешларимизни гоят зарарли бу йўлдан тезроқ қайтариш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Кечагина Фарғона шаҳрида чиқарилган водий солиқ тизими ходимларининг ййғилишида ҳам худди ана шу масала муҳокама қилинди ва навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Апрель ойи бошларидан вилоятнинг етакчи савдо тармоғи бўлган Марказий Деҳқон бозори деҳқончилик маҳсулотлари кўргазмасига айлантирилди. Бу ердаги турли хил темир-терсак ва автомобиллар эҳтиёт қисмлари билан савдо қилишлар Бош бекат бозорига, кийим-кечак, турли газламалар савдоси эса Дўстлик шоҳ кўчасидаги саноат моллари бозорига кўчирилди.

Шаҳарни 8 даҳага бўлиб, уларнинг ҳар бирига зарур миқдордаги ходим билан бир нафардан бўлим бошлиғи масъул этиб тайинланди. Улар ўзларига бириктирилган ҳудуд бўйича савдо-сотиқни тартибга солишади, қонунсиз савдо билан шугулланаётганларга тегишли чора кўришади. Шу йўсинда Патрис Лумумба кўчасидаги 19-уйда яшовчи Маскут Подмаров иш жойида арақ сотаётган маҳал қўлга тушди. Акмал Икромов кўчасидаги 18-уйда истикомат қилувчи Фазлиддин Арслонов Қўқон кўчасидаги бекатда чайқовчилик билан шугулланаётган пайти тумшугидан илинди.

Шанба ва бозор кунларида, айниқса, назорат кучайтирилмоқда. 30 ходим навбат билан мунтазам рейд ўтказишади. Қонунсиз бойлик орттириш пайида бўлаётганлар қилмишларига яраша жазоланмоқдалар. Чунончи, Низомий кўчасидаги 24-уйда яшовчи Ориф Фазлиддинов сутдан тайёрланган 12 қути "Паҳлавон" болалар овқати, 30 қути-сигаретани қимматига

сотаётганида қўлга тушди.

Тиббиёт кўригидан ўтмаган, ҳеч қандай хужжатсиз қассобчиликни даъво қилиб, пул кетидан қувган Гирвансой кўчасида турувчи гўштфуруш Зокиржон Раҳимовга нисбатан жарима солинди.

Поездма-поезд, автобус ёки самолётда бетиним у шаҳардан бу шаҳарга катнаб чайқовчиликни касб қилиб олаётганлар ҳам кўпаяётгани маълум. Москвага катнаётган поезд текшириб қўрилганда Наманган туманининг Ирвадон қишлоғилик Шокир Тожибоев, Косонсой туманининг Тергачи қишлоғилик Алижон Шариповлар каттагина миқдордаги моллар билан

ушланиб, "сафарлари" қискарди. Шунингдек, Самарқанд ва Тошкентга қатновчи автобуслардаги чайқовчилар ҳам қилмишларига пушаймон бўлдилар.

Энг ачинарлиси, ҳаётга эндигина қадам қўйиб келатган ешларнинг ҳаром пул-топишга берилиши ҳеч кечирилмас ҳолдир. 15-мактабнинг 7 "Б" синф ўқувчиси Малик Набиев "Астра"

сигаретасининг ҳар бирини 2 минг сўм-купондан сотаётганида, 4-мактабнинг 8 "Б" синф ўқувчиси Дилшод Шарипов эса хориж сигаретасининг ҳар бирини 5,5 минг сўмдан пуллаётганида қўлга тушди. Унинг чўнтагидан қингир йўл билан топилган 182 минг сўм-купон чикди. Ажабо, бу болаларнинг ота-онаси, мактаб жамоаси қаёққа қарапти, деб ёқа ушлайсиз.

Хуллас, олиб-сотарлар ҳар қанча ҳийла кўрсатишмасин бугун бўлмаса, эртага албатта ўз "насиба"ларини оладилар. Чунки ҳаром ҳеч қачон юк бўлмайди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
"Ишонч" мухбири.

Тадбиркорлик

қорамол яхшигина молхонада боқилапти. Келгусида қурилиш кенгайтирилади. Демак, лицейнинг иқтисоди мустаҳкамланади, одамларни ижтимоий ҳимоялаш ишлари янада яхшиланади. Шу йўлдаги курашда лицей директори Орол Милтиқбоев билан бирга касаба уюшма кўмитаси раиси Баҳодир Алимов, ўқув хўжалиғи раҳбари Яхшибой Каримовлар ҳам фаоллик кўрсатишапти. Қани энди бошқа билим даргоҳлари ҳам Деҳқонobod қишлоқ хўжалик лицей раҳбарларидек жонкуяр ва тадбиркор бўлишса. Мабодо лицей тажрибасини ўрганишни истовчилар бўлса, унинг манзилгоҳини эслатиб ўтамоғи: Гулистон тумани, Деҳқонobod кўрғони. Шунини таъкидлаш керакки, бу ерга келган киши ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, тарбияси оғир ўсмирлар билан ишлаш соҳасида ҳам яхши тажриба олиб қайтади. Келаверинг, ютасиз, аммо етказмайсиз.

Саминжон СУЛТОНОВ,
"Ишонч" мухбири.

Саволларга Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазирлиги имтиёзлар бўлимининг бошлиғи Зироат МУХИТДИНОВА, етакчи мутахассиси Мастура ҲОЖИМАТОВАлар жавоб беришади:

1. Қаҳрамон она. 1937 йилда туғилган. 1967 йилдан 1992 йилгача ишлаган. 1991—92 йиллардаги иш стажини ҳисобга олинадими?

2. Қаҳрамон она унвони учун қўшимча пул бериладими? Агар бешдан ортиқ болалари бўлса қўшимча иш стажини бериладими?

3. Ишламайдиган ногирон пенсионерларнинг 18 ёшга етмаган фарзандларига энг кам пенсиянинг 50 фоизи миқдорида қўшимча қўшиб берилади. Бу қўшимча ногирон бўлмаган пенсионерларга ҳам тўланадими?

4. Иккинчи гуруҳ ногирони. Ҳозир 61 ёшда. 1980 йилда 47 ёшида ногирон бўлган. Пенсия тайинлаш учун 14 йил стаж талаб қилинган. Унинг иш стажини 25 йил. 14 йиллик стажини учун қўшимча бериладими?

5. Агар она ишламаса бола парвариши билан банд бўлиб, кечки ўқув юртида ўқиган бўлса, унинг кечки ўқиган даври ҳам стажга қирадими?

6. Янги пенсия қонунига кўра экология фалокати зонасида ишлаган фуқароларга пенсия тайинлашда талаб қилинадиган иш стажини қисқарадими?

М. БОЙЖОНОВА,
Қорақалпоғистон, Мангит шаҳри.

пенсиянинг 50 фоизи миқдорида қўшимча берилар эди. 1994 йил 1 июлдан боғишлаб янги пенсия Қонуни кучга кириши муносабати билан бундай қўшимча тўлаш бекор қилинди. Бунинг ўрнига пенсионерларнинг вояга етмаган фарзандларига нафақа тайинланадиган бўлди.

Янги турдаги нафақалар 1994 йил 1 сентябрдан жорий қилинади.

4. 1993 йил 3 сентябрдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги янги Қонунга асосан 1994 йил 1 июлдан бошлаб II гуруҳ ногиронлиги учун талаб қилинган иш стажидан ортиқча ишлаган ҳар бир тўлиқ йил учун энг кам иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида қўшимча қўшиб берилади.

5. Аёлларнинг ҳар бир боласини 3 ёшга киргунча қараб турган даври иш стажига қиради, (аммо 6 йил доирасида) Қонунда фақатгина ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқиган давр меҳнат стажини 5 йилдан кам бўлмаган ҳолда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

6. 1994 йил 1 июлдан кучга кирган янги пенсия Қонунига асосан экология фалокати минтақасида ишлаган фуқароларга:

Эркакларга — умумий иш стажини камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган минтақага тўғри келган тақдирда;

Аёлларга умумий иш стажини 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган минтақага тўғри келган тақдирда имтиёзли қариллик пенсияси тайинланади.

Амалдаги қонунга асосан эркаклар 60 ёшга етганларида камида 25 йил иш стажига эга бўлганларида қариллик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақнинг 50 фоизини чегириб тўлайдилар;

— болаликдан ногиронлар тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг ҳулосасига кўра вело-креслоколяска билан таъминланадилар.

2. Болаларга кийим-кечак учун тўланадиган мақсадли тўлов 18 ёшга тўлгунча тўланади. Аммо 1994 йил 1 сентябрдан нафақаларнинг янги тури жорий қилиниши муносабати билан амалдаги тўланаётган нафақалар бекор қилинади.

Президенти мизнинг Фармонларига мувофиқ пенсиялар, стипендиялар бир неча бор оширилди, аммо болаларга тўланаётган нафақалар миқдори ўзгаришсиз қолди. Нафақалар миқдори ҳам ошириладими?

Сарвара АЛИМАРДОНОВА,
Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани,
Дарбанд жамоа хўжалигида яшовчи бир гуруҳ аёллар номидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосан 1994 йил 16 июндан болали оилаларга нафақа тайинлаш тўғрисидаги Низом қабул қилинди. Бу Низомга кўра болаларга тўланадиган нафақа миқдори оширилди. 1994 йил 1 сентябрдан битта болали оилага энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида, 2 та болали оилага 20 фоизи, 3-4 болали оилага 40 фоизи, 5 ва ундан ортиқ болали оилага 50 фоизи миқдорида нафақа тўланадиган бўлди.

1970 йилдан бери кўз касаллиги билан оғрийман. Узоқни кўрмай қолдим. Ногиронликка чиқишим мумкинми?

Шермадат ИСОҚОВ,
Наманган вилояти.

Кўз касаллиги ёки кўриш қобилиятининг пасайишида ногиронлик гуруҳи тайинланмайди. Ногиронлик бирор касалликнинг асорати натижасида меҳнат қобилияти йўқолганлиги даражасига қараб аниқланади.

Шунинг учун даволаш муассасаларидаги шифокорлар сиздаги касалликнинг асорати туфайли ногиронлик бериш-бермаслиги ҳақида тушунтириш бериши лозим.

Менинг отам 59 ёшда, 8 та фарзанди бор. 35 йиллик меҳнат стажига эга. 1990 йилдан буён ишламайди. Ҳозир пенсияга чиқиши мумкинми ёки 60 ёшидами?

Ҳошим ЖАЛОЛОВ,
Фарғона вилояти, Сўх тумани.

1. Мен II гуруҳ ногирониман. Ўғлим эса болаликдан ногирон. Бизга давлат томонидан қандай имтиёзлар белгиланган?

2. Болаларга кийим-кечак пули неча ёшгача тўланади?

Нафиса ҚОДИРОВА,
Тошкент шаҳар, Ибн Сино кўчаси.

Умумий касалликдан II гуруҳ ногиронлигига ва болаликдан ногиронларга қуйидаги имтиёзлар белгиланган:

— врачнинг рецептига асосан дори-дармонларни 50 фоиз арзон

нархда сотиб олиш;

— 2 йилда бир марта даволаниш учун бепул йўлланма билан таъминланиш;

— кишки-кузги мавсумда ҳаво йўли, темир йўл транспортларидан

Беш йилдан буён II гуруҳ ногирониман. Меҳнат пенсиясига чиқишимга 9 ой қолди. Меҳнат пенсияси тайинланиши мумкинми?

Эргаш НОРМАТОВ,
Жиззах вилояти, Галлаорол тумани.

Соғлигингиздаги ўзгариш туфайли 5 йил давомида ногирон деб аниқланган экансиз. Ногиронлик муддати тугагач шифохонадан ТМЭХ (тиббий меҳнат эксперти хайъати)га йўлланма олиб кўриқдан ўтишни тавсия этамиз.

Пенсия ҳақидаги қонун асосида эркаклар 60 ёшга етганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Саҳифани касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш бўлими тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ҳукумати республикада маҳаллаларнинг мустақил бошқаруви, қишлоқларда Оқсоқоллар кенгашлари тузилмаларига алоҳида эътибор бермоқда. "Маҳалла" жамғармасининг республика ва жойларда маҳаллий бўлимлари ишлаб турибди. "Маҳалла" жамғармалари орқали ногиронларга, моддий таъминоти ноқор оилаларга, қаровчисиз қолган кишиларга турли ердан кўрсатилмоқда.

Аёнки, қадимдан бери кишиларни инсоний одоб-ахлоққа ўргатиш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бўйича анъанавий ҳашарларга қорлаш, тозалик ва жамоат тартибини сақлаш борасида маҳаллаларда ажойиб анъаналар қарор топган.

Ҳозирги вақтда маҳалла кўмиталари ижтимоий тузилма — жамоат ташкилоти сифатида уй-жой куриш қондаларига риоя қилишни, уй-жойларнинг аҳоли, табиатни муҳофаза қилиш, тарих ва маданият ёдгорликларини асрашни назорат қилиш, ёнилғи, электр энергияси ва сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, фуқароларнинг паспорт режимига риоя қилиши масалаларини, шунингдек, ижтимоий фойдали меҳнатдан бош товлаганларни аниқлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишда ўз нуфузларидан кенг фойдаланадилар.

Маҳалла кўмиталарининг таркибидagi обрўли кишиларнинг фикрига каттадан-кичик, қулоқ тутади. Шу боис турмуш, жамоат тартиби, тозалик қондаларини бузган шахсларга нисбатан жамоатчилик таъсири ўтказиш кўп ҳолларда кутилган самарани беради. Маҳалла кўмиталарининг халқ маросимчилигидаги иштироки эътиборга лойиқ. Улар ташаббуси билан тўйлар ва бошқа маросимлар анча ихчам ва тежамли ўтказилмоқда. Масалан, Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги "Янги шаҳар" маҳалласида турар жой ва жамоат биноларини яхши сақлаш, ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлари намунали. Маҳаллада 450 га яқин хонадон бўлиб, 17 миллатга мансуб 3 мингга яқин киши истиқомат қилади. Маҳалла ҳаётида

тўқувчилик, тикувчилик, ёғоч ўймакорлиги, расм чизиш, сопол идишлар, хонадонларда боқилаётган анвойи қушлар кўриги ҳаммада чуқур таассурот қолдирди.

Халқ маросимчилигида жамоатчилик фикри алоҳида иззатга эга. Наманган шаҳрининг маҳаллаларида бирон тўй, маърака маҳалла кўмитаси фаоллари иштирокисиз ўтказилмайди. Бу ерда ҳар бир аъзога хонадонлар бириктириб қўйилган. Улар хонадон соҳиблари билан мунтазам суҳбатлашиб турадилар.

ОДАМЛАР бўш вақти ва дам олишни ташкил қилиш маҳаллалар ҳаётининг энг муҳим қиррасидир. Чиндан ҳам киши ишлаб чиқаришда, ўқув юртида ёки бирор идорада кундалик меҳнат билан банд бўлган вақтда жамоанинг ташвишлари, қувончлари қозонида қайнаган чочлари кўпдан-кўп муаммоларни ҳал этиш билан машғул бўлади. Бундай кезларда у вақт қандай ўтганини билмай қолади. Уйда-чи, бўш вақтида-чи? Агар киши бирор юмуш билан банд бўлса, бошқача қилиб айтганда, унинг иштиёқи тушган машғулоти бўлмаса, маҳаллада, яшаш жойида уни нималар билан қизиқтира олиш мумкин? Бўш вақт қувончли, мароқли, маънавий қамолат учун фойдали тарзда ўтишини қандай ташкил этиш мумкин? Бу ерда гап асосан болалар, ўсмирлар хусусида. Уларнинг бўш вақтини ташкил этиш анча мураккаброк. Ўқшдан ташқари вақтларда уларнинг куч-ғайрати, ижодий режаларини тўғри йўлга соладиган кишилар доим ҳам топилавермайди. Маҳаллаларда бу соҳадаги ишларни жонлантиришда ҳаракатдаги фаоллар яхши самара бериши мумкин.

Тошкентдаги Акмал Икромов туманидаги маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар ибратли. Кейинги йилларда 2500 дан ортиқ ўғил-қизни катта йўлга олиб чиқишда мактабга, ота-оналарига ердан кўрсатилди. Маҳаллалар клублари ҳар ёз ўқувчиларнинг сеvimли масканига айланади. Одатдаги кунларда эса болалар турли ўйинлар, тўқуш ва мусиқа тўғралакларига, спорт машғулотларига тақдир этиладилар. "Инсоний қадриятлар", "Оналар — бахт меъморлари" кечалари, байрамлар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар... Ўсмирлар тақдир этиладиган тантаналар ва тадбирларнинг доираси фақат шулар билангина чекланмайди.

Муаллимлар ўқувчиларнинг меҳнат гуруҳларини уюштиради. Йўл ҳаракати қондалари бўйича мусобақа ўйинлар ва уйлар деворларининг тозаллиги учун чакқонлар кўрикларини ташкил этади... Ҳар бир кўчанинг ўзига хос ажойиб хусусиятлари бор. Бир кўчада уруш ногирони, иккинчисида қаҳрамон оналар, учинчисида эса академик ёки дондор ишчи яшайди. Ҳўш, нима учун кўча, масалан, Ҳувайдо ёки Абдулла Авлоний номига туман Акмал Икромов номига қўйилган? Ёш "таджикотчилар" ана шу саволларга жавоб қидиришга отланадилар.

МАҲАЛЛАЛАР ҳаётида аёллар нуфузли мавқега эга. Аёлларнинг рўзгор юритиш маданияти, фарзанд тарбияси, маросимларда қатнашуви, қўни-қўшнига муносабати маҳаллада яққол кўзга ташланади. Маҳалла аёлларининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини намояндалар кўзгидир. Тошкентнинг Шайхонтохур, Акмал Икромов туманларидаги "Янги шаҳар", "Шарқ юлдузи" маҳаллаларида аёллар билан ишлаш борасида ажойиб тажрибалар тўпланган. Бу маҳаллаларда амалга оширилаётган маърифий-тарбиявий ишлар натижасида уй бекалари ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилмоқдалар, хотин-қизлар орасида касаначилик ривожлантирилмоқда.

Халқ маросимчилиги турмушдан кенг ўрин олаётти. Аҳоли тўйларини, Наврўз ва бошқа байрамларни биргаликда нишонлайди, кўп болали оналарга "Энг яхши она" унвони билан бирга медаллар тантанали вазиятда топширилади, "Энг яхши уй бекаси" номини олиш учун кўриклар ўтказилади.

"Янги шаҳар" маҳалласи фаолларининг саъий ҳаракати, жонкуярлиги туфайли илгари бирор ижтимоий юмуш билан банд бўлмаган аёллар турли корхона ва фабрикаларга ишлашга жалб этилиб, фарзандлари болалар боғчалари, яслиларига жойлаштирилди. Қаҳрамон оналар ва серфарзанд аёлларнинг кўпчилиги уйдаги юмушларидан, болалар тарбиясидан ортиб турли корхоналарда қўйиллатиб ишлаётти. "Чевар" тикувчилик бирлашмаси, бадий буюмлар фабрикасининг илгор чеварлари ишлаб чиқараётган маҳсулот унинг гузаллиги билан ҳаммани маҳлиё қилади. Касаначилик билан машғул бу аёллар фабрикада қилинадиган тикиш-чатиш ишларини фақат уйда рўзгор юмушлари, болалар тарбиясидан бўшган қулай пайтларда бажарадилар холос. Тайёр қилган буюмларини эса қулай фурсатларда фабрикаларга олиб бориб топширишади. Маҳаллада касаначилик билан эллик аёл шуғулланади.

"Янги шаҳар" маҳалласининг шинам, кенг, дид билан жиҳозланган клуби бор. Катта-кичик тадбирлар ана шу ерда ўтказилади. Клубда тўғарақларда касб ўрганган шоғирлар сурати акс этган фотолар ва бор. Клубда жамоатчилик асосида ташкил этилган "Бичиш-тиқиш" тўғарагининг ўзида 150 дан ортиқ хотин-қиз касб ўрганади ва тўғарақ гувоҳномаси билан тери-мўйна заводига, бадий буюмлар фабрикасида ишлашади.

Маҳаллада истиқомат қилувчи оилаларнинг кўпчилиги серфарзанд бўлганили учун ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор зарур. Бу тадбирлар оддийгина йўсинда, биров эшитиб, биров эшитмаган ҳолда ўтказишга одатланган маҳаллалар афсуски, ҳали ҳам бор. Лекин бундай маросимлар "Янги шаҳар" маҳалласида алоҳида катта тантаналарга айланади. "Омон бўлинг, бувилар", "Қайнона—келин", "Энг яхши она" каби тадбирларга бир неча кун олдин тайёргарлик кўрилиб кейин кўпчиликнинг фаол иштироки билан ўтказилади. Шуниси қувончлики, "Энг яхши она" кўриги гоилиблари сафи кўпаймоқда. Демак, кўпала аёллар фарзандларини соғлом, меҳнатсевар, одоли қилиб ўстиришапти.

"Янги шаҳар" маҳалла кўмитаси аъзолари меҳнатсевар, тадбиркор, қўлини-қўлга бериб, бир екадан бош чиқариб ўзлари яшаётган маҳаллани гуллатиб-янатиш, одамларга энг яхши фазилатлар юқтириш йўлида чинакам жонбозлик кўрсатаётган отахон ва онахонлардир. Шу боисдан ҳам бу масканда туғилиб вояга етган, қамол топаётган кишилар ўз маҳаллалари билан ҳаммаша ҳамнафас яшаб, унинг ҳар бир туп ниҳоли, ҳар бир қисм туپроғини муқаддас билиб, у билан фахрланадилар...

МАҲАЛЛА ҳаёти билан одамлар бўш вақти ўртасидаги боғлиқлик шуки, у ердаги тадбирлардан аҳоли қатламнинг ҳаммаси болалар ва ўсмирлар, аёллар ва эркеклар, кексалар, турли касб эгалари (ёши, маълумоти, касбига қараб тоифаланганда) ҳаммаша хабардор бўлади. Халқ сайиллари, байрамлар, никоҳ ва ҳовли тўйлари маҳаллаларда катта-кичик қатнашадиган, уларнинг маданий-маиший турмуш шароитлари ва урф-одатларига сингиб кетган азалий-анъанавий маросимлар ҳисобланади. Бўш вақт шароитида бу анъаналар катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, маҳаллалар олиб борадиган маданий-маърифий ишлар, одамлар бўш вақти ва дам олишни уюштиришнинг муҳим воситасидир. Кишилар ўқиш, меҳнат ва ишлаб чиқаришдан ҳоли бўлган бўш вақтини кўпроқ маҳаллада ўтказадилар. Маҳаллада аҳоли қатламнинг ижтимоий, миллий ва демографик хусусиятларига ҳам эътибор берилади, байналималлик қарор топади. Маҳалла кўмиталари қошидаги ўсмирлар клуби, тўғарақлар, чойхоналар, спорт майдонлари, хиебонлар, ўйингоҳлар бўш вақт шароитида дам олишни уюштириш манзилларидир.

Ғулмуҳон ҒОҒУРОВ.

ИБРАТ

ФАРҒОНА "Маҳалла" хайрия жамғармаси Фарғона вилояти бўлимининг ташаббуси билан "Маҳалла — маданият ва тарбия маскани" мавзуида кўргазмали семинар-кенгаши ўтказди.

Вилоят ҳокими ўринбосари Т. Қ. Қурбонов маъруза қилди. Кенгашда республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси Шукурхожи Темиров қатнашиб, халқимизнинг бой маданият, маънавий қадриятларини тиклаш ва ривожлантиришда маҳаллалар оқсоқоллари ва фаолларининг вазифалари тўғрисида гапирди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари қарорига биноан Қўқон шаҳар Исфарагузар маҳалласи оқсоқоли Нуруллахожи Абдуллаевга Ўзбекистон маҳалла хайрия жамғармасининг фахрий ёрлиғи ва пул мукофоти топширилди. Бу маҳаллада ижтимоий, маданий, маърифий, ободонлаштириш ва осойишталик ишлари, оила мустаҳкамлиги, ёшлар тарбияси, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, оила жамоасини ижтимоий ҳимоя қилиш яхши йўлга қўйилган. Шунинг учун ҳам бу маҳалла намунали оила ва намунали маҳалла оқсоқоли республика кўриғида биринчи ўринни олган.

Фарғона шаҳрининг Ҳафиза Иброҳимова номидаги Маҳалла оқсоқоли Абдуллаган Қодиров ҳам яхши ташаббускорлиги, жонкуярлиги учун кўрик-танлов якунига биноан фахрий ёрлиқ ва пул мукофоти олишга муяссар бўлди.

С. МАҲМУДОВА,
"Ишонч" мухбири.

ҒОЛИБЛАРГА ЙЎЛЛАМА ВА ТОИФАЛАР

Яқинда Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тадбиргоҳида "Ҳамшира-94" кўрик-танлови ўтказилади. Кўрик-танловга вилоятдаги барча туман ва шаҳарлардан вакиллар келишди.

Саҳнага 21 нафар тиббиёт ҳамшираси тақдир этилди. Баҳс бошланди. Барча саволларга мукамал жавоб бериб, топшириқларни муваффақиятли бажарган вилоят шифохонаси урология бўлимининг тиббий ҳамшираси Санобар Шукурова биринчи ўринни эгаллади. Унга вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси томонидан дам олиш учун санаторийга йўллама бепул берилиб, билим ва маҳоратига олий тоифа белгиланди.

Кўрик-танловда иккинчи ўринни олган Навоий шаҳар худудий тиббиёт бирлашмасининг "Энергетиклар" тиббиёт-санитария қисми ҳамшираси Салима Сафарова қасаба уюшмаси кўмитаси томонидан бепул санаторий йўлланмаси билан тақдирланиб, ўз касби бўйича биринчи тоифага сазовор бўлди.

Учинчи ўринни қўлга киритган 27-марказий тиббиёт-санитария қисми ҳамшираси Салима Нуруллаева қасаба уюшмалари вилоят кўмитаси томонидан дам олиш учун йўллама билан тақдирланиб, ўз ихтисоси бўйича 2-тоифага лойиқ деб топилди.

Танлов гоилиблари соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кўмитаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан ҳам тақдирландилар.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ишонч" мухбири.

МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАР ҲАЁТ

Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди

Ислом КАРИМОВ.

Маҳаллада уруш ногиронларига алоҳида иззат-икром кўрсатилади. Бундай бўлиши табиий, ялбатта. Негаки фашизмга қарши ҳаёт-мамонт жангида иштирок этиб, муқаддас она туғроқни қузғунлар галасидан мусавфо этган, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини ҳалол бажарган, она юртига, туғилиб ўсган масканига голибона, гулгун чехра билан қайтиб келганлар "Янги шаҳар" маҳалласида чинакам ардоқли кишилар ҳисобланишади.

Шу кичик маҳалланинг ҳам Ватан ҳимоясига кетиб, азиз хонадон кўчоғига ва қайтиб келиш насиб этмаган, чин фарзандлик бурчини бажариб, Ватан оидлиги йўлида жонини тиккан мард ўғлонлари бор. Улар юз нафардан ортади. Маҳалла аҳли ана шу ботир фарзандларининг хотирасини муносиб эъзозламоқда. Кенг хиебоннинг қоқ тўрида ўрнатилган ёдгорлик ҳар кун, ҳар дақиқа уларнинг жасоратларини эслатиб турадиган азиз обиди! Шу боисдан ҳам ёдгорлик ўрнатилган хиебон маҳалланинг табаррук — қутлуг зияратгоҳи бўлиб қолган... Урушдан омон-эсон қайтганлар эллик кишига яқин. Лекин ҳар бир собиқ фронтчининг босиб ўтган жанговор йўлини катта бир жангнома деса бўлади. Кўп жойларда бўлганидек, бу ерда ҳам ота-боболарнинг хотирасини эъзозлаш, Ватан ҳимояси учун ҳалок бўлган кишиларнинг номларини абадийлаштириш тадбирлари ёшларда чуқур таассурот қолдираётти.

ТОШКЕНТ шаҳар Юнусобод туманидаги "Ўзбекистон мустақиллиги" маҳалласида халқ маросимчилигини ўтказишга алоҳида эътибор берилади. Айниқса, тўйларнинг сарф-харажати кескин қисқартирилган. Маҳаллада аёллар ва эркеклар ўртасида асосан тушунтириш ишлари олиб борадилар. Ҳар қандай эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик, "ғиди-биди"лар маҳаллада муҳокама қилинади. Ичкиликка муккасидан кетган кишилар йўқ. Маҳалла фаоллари маориф муассасаларига ердан кўрсатиб туради. Хўлқи ёмон, паст баҳода ўқийдиган болаларнинг ота-оналари огоҳ этиб борилади. Болаларнинг бўш вақтидаги дам олиш ва тарбиясига эътибор берилади. Фаоллар ташаббуси билан маҳаллада чойхона, очик майдонда катта бог ва хиебон барпо этилган. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, уй-жойларни ҳовлиларни намунали сақлаш бўйича, маҳалла аҳолисининг кўнгилли иштироки яхши йўлга қўйилган. Байрамлар, шанбаликлар муносабати билан ҳар бир хонадон ўзи яшайдиган ҳовли, кўчаларни тозалашда, дарахтларни оқлашда, мазорнинг ободончилигида жонбозлик кўрсатади. Маҳалла кўмитаси раиси Эгамназар Қодиров молиявий-хўжалик фаолиятида аҳоли кучига таянади. Аҳоли кучи билан тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича, уларга керакли бўлган асбоб-ускуналар олинган. Маҳалла кучи билан "Қариялар чойхонаси" ташкил қилинган.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Муқимий номли маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини уюштиришдаги ишлар диққатга сазовор. Ёшлар тарбиясини тўғри йўлга қўйишнинг муҳим шартларидан бири ота-оналар ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш, уларни ижтимоий ҳаётга кенгрок жалб этишдир. Бунга жамоатчилик ўртасида ота-оналар билан кексаларнинг учрашувларини ташкил қилиш, никоҳ тўйларини, байрамларни ўтказиш, ҳашарлар, тозалик ҳафталиклари уюштириш ҳам киради.

Маҳалла клуби қошида "Қаҳрамон оналар" тахтаси ташкил қилинган бўлиб, ундан ўз болаларини эл-юрт хизматига камарбаста қилиб ўстираётган меҳри даре онахонларнинг суратлари ўрин олган. Урушда ҳалок бўлганлар хотирасига бағишланган фотолар ҳам эса Ватан учун жон фидо қилган маҳалла собиқ жангчиларининг жасоратларидан хикоя қилади.

КЕЙИНГИ йилларда Наврўз байрамини нишонлашга ҳамма маҳаллалар алоҳида эътибор бермоқда. Байрам кун чойхоналарда Наврўз таомлари пиширилади, қарнай-сурнай садолари янграйди, кекса-ю ёш бир-бирини қутлуг кун билан қутлайди.

Маҳалла ҳаёти орқали одамлар дам олишини уюштиришнинг янги шакллари қарор топмоқда. Бекободдаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган шаҳар маҳалла кўмиталарининг "Ҳаммамиси бир оила" байрам кўриги қатнашчилари ўша кун шаҳар маҳаллаларида яшаётган ажойиб оилалар ҳақида ҳикоялар тингладилар, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган кишилар билан суҳбатлашдилар. Байрамга шаҳардаги 12 маҳалла жамоаси иштирок этиб, "Маҳалла — бизнинг жонажон уйимиз", "Халқ талантларини қутлаймиз", "Дастурхонга марҳамат", "Моҳир қўллар", "Аскиячилар беллашуви", "Маҳалланинг энг тоза кўчаси" каби мавзулар бўйича танловлар бўлди. Айниқса, маҳаллалар аҳли томонидан тайёрланган каштачилик,

ИЮЛЬ

25 ДУШАНБА

ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичкинтой" студияси. "Болаларни авайланг". 18.20 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чолгу оркестрининг концерти. 18.50 "Ал-Мўмин" — кўп қиррали ишлаб чиқариш-тижорат корхонаси. 19.00 "ФАРМОН ВА ИЖРО". 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 "Бахтли онлар". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "ИСЛОҲОТ ВА МУАММОЛАР". 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Ёшлар. 21.30 Ўзбекистон халқ артисти Турсуной Мамедова куйлайди. 22.20 "Ўзбекистон" ахбороти. 22.45 — 00.10 Абдулла Қаҳҳор. Ҳажвий новеллалар.

ЎЗТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Номалум ва ажойиб дунё". Телефильм. 20.20 "Дехқон ҳиммати". 20.50 "Ранглар жилоси". 21.20—22.45 "Инглиз карабиндаги учта гильза". Бадий фильм.

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.25 Душанба куни детектив. "Писмиқ". "Эркулъ Пуаро" сериалидан бадий фильм.

19.25 — 20.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Яхши ният ўйинларида. Дюдо-до. 21.00 "Ҳақиқат онлари". А. Карауллов саволларида Э. Шеварнадзе жавоб беради. 21.55 "Ретро-шлягер". В. Висоцкий. 22.25 "Автомобилга етиб ол". Телефильм. 22.55 — 23.05 "Тафсилотлар".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

18.00 "Тигиз пайт". 18.25 "Шаддод Роза". Телесериал. 18.55 "Йўлбошич". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.30 "Сиз кутган учрашувлар". Академик А. Панченко. 21.15 "Спорт уик-энди". 21.30 "Матадор". 22.20 Сизни Дагмар Фредерик (Германия) ва Россия ИИВ Ички қўшинлари ашула ва рақс ансамбли таклиф этади. 22.40 — 23.00 Катталар учун мультфильм.

26 СЕШАНБА

ЎЗТВ I

6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Болалар учун фильм. "Жодугарлик ва сеҳрларик". 10.00 "Халқ куйлари". Фильм-концерт. 10.20 Лотин алифбоси. 10.50 "Жайхун шамоллари". Тўртқўллик хонанда Жамолддин Айтбоев куйлайди. 11.10 — 11.50 "Маърифат маскани".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ешлик" студияси. "Садо". 18.40 "Есеной чўлларида". Телефильм. 18.50 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ЎЗБЕКИСТОН КҮЙЧИСИ". ХАЛҚ РАССОМИ УРОЛ ТАНСИҚБОВ. 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 Тазквандо бўйича жаҳон чемпионати арасида. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Кеска санъаткорлар". Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимов. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Ёшлар. 21.30 "СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН". 22.00 "Олтин тоғнинг сири". Бадий фильм. 23.15—23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). "ОМАД" таништирилади: 19.50 "Мультифейерверк". 20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёшлар. 21.00 Видеоид. 21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёшлар. 22.00—24.00 "Кинонигоҳ".

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

"ОМАД" таништирилади: 9.00 "Совга". 9.30 "Рок ҳақида". 10.00 Ёшлар. 10.10 Видео — "О". 11.50 Ёшлар. 11.55 "Курьер". 12.10 "Эм-Ти-Ви" дан музикалар. 12.25 Ёшлар. 12.30 "Даракчи". 12.40 "Юлдузлар жилоси". 12.55 Ёшлар. 13.05 — 15.00 Видео — "О".

18.00 — 19.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 "Танаффус". София Ротару. 20.00 "Славян бозори-94". 21.15 Яхши ният ўйинларида. Енгил атлетика. Санкт-Петербургдан кўрсатилади.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.40 "Бир кун ва бир умр". Бадий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

18.00 "Тигиз пайт". 18.25 "Шаддод Роза".

Телесериал. 18.55 "Останкино" хит-паради. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.30 "Илк манбадан". 20.45 "Муқаддас Лаврентий кечаси". Бадий фильм (Италия). 22.45 — 22.55 "Матбуот-экспресс".

27

ЧОРШАНБА

ЎЗТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Курьер". Бадий фильм. 10.00 "Карнай садоси". Телефильм. 10.30 "Табиат — ҳаёт чашмаси". Кинопрограмма. 11.10 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 11.25—11.55 "Миллий мафкура".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Яшил бойлигимиз". 18.40 "Эрмитаж қандиллари". Телефильм. 18.50 "Ешлик" студияси. "Хаёлпарастлар байрами". 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 Муслиқ дақиқалар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ГУЛ КҮП, ЧАМАН КҮП". Олималар ҳақида телеочерк. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Ёшлар. 21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ГУЛЛА, ЯШНА, МУСТАҚИЛ ДИЕР!". ЭКРАНДА — ҚОРАҚАЛПО-ДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. 22.30 "АНОР" САҲИФАЛАРИДА. 23.20—23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Спринт". 20.15 "Агония". Телефильм. 20.40 "Фильмлар ва тақдирлар". Киноқўрсатув. 21.20 "Нурли оқшом". 22.20—00.35 "Мерседес" ҳайдаган одам". Бадий фильм. 1—2-сериялар.

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 18.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп сериали бадий телефильм. 19.45 "Ҳеч ким унутилмайди". 19.55 Футбол бўйича Россия чемпионати. "Спартак" (Москва) — "КамаАЗ". Танаффус пайтида — Телефильм. 21.55 "Тафсилотлар". 22.05 "Юлдузлар билан суҳбатда".

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.10 — 00.15 Галабанинг 50 йиллигига. "Интиқом". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

17.50 Яхши ният ўйинларида. Енгил атлетика. Бокс. Санкт-Петербургдан кўрсатилади. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.30 "Монолог". 20.40 "Муаллиф кўрмайдиган кўрсатув". Ю. Нагибин. 21.00 — 23.05 "Бигс". Бадий фильм (Италия).

28

ПАЙШАНБА

ЎЗТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Беайб". Бадий фильм. 9.55 "Оқ йилқилар". Телефильм. 10.10 "Бонг". Спорт кўрсатуви. 10.40 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 10.55 "Бола бошидан...". Мактабга тарбия масалалари. 11.25—12.05 "Кўзгуда муҳрланган тарих". Киноқўрсатув.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Цирк! Цирк! Цирк!". 18.55 "Ғафил ва ислоҳот". 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 "Висим қўриқхонаси". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Ғалла — ризқ-рўзимиз". 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Ёшлар. 21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "УСТОЗ ЎГИТЛАРИ". Матниез Юсупов. "Суворо" ҳақида. 2-кўрсатув. 22.20 "Гугуртта кетиб...". Бадий фильм. 23.50—00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништирилади: 19.50 "Омад" тақими. 20.00 "Ҳожиба". 20.20 "Бир шингил хангома". 20.30 "Зиндаги еҳуд муҳаббат". 20.50 Видео янгиларлари. 21.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёшлар. 22.00—24.00 "Кинонигоҳ".

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп сериали бадий телефильм. 20.45 Давлат Думаси раиси И. П. Рибкин билан

суҳбат. 21.20 Криминал хабарлар экрани. 21.30 "60 дақиқа". "Си-Би-Эс" ва Россия телевидениесининг кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.50 "Атиргул очилганда". Бадий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

18.00 "Тигиз пайт". 18.25 Яхши ният ўйинларида. 18.55 "Эксклюзив". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.30 "Москва — Кремль". 20.50 "Одесса" киностудиясининг 75 йиллигига. Ретроспектив намоиш. "Нодир шахс". Бадий фильм (1988 й.). 22.10 Яхши ният ўйинларида. 22.50 — 23.00 "Матбуот-экспресс".

29

ЖУМА

ЎЗТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Болалар учун фильм. "Баҳосиз дарс". 9.35 "Ота-ўғиллар". Телефильм. 10.05 "Оламини асранг!". 10.35 "Жоним эурсан қўшиқ". Шокиржон Эргашев. 11.05 — 11.45 "Қизил Яримой шўъласи".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Эртақлар — ахшиликка етаклар". 19.00 "Учқур отлар". Телефильм. 19.15 Шерий дақиқалар. 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 "Мусаввир Рўзи Чориев". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Ҳофизлар хониш қилганда". 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Ёшлар. 21.30 "БЕВОСИТА МУЛОҚОТ". 22.15 "Ўзбекистон" ахбороти. 22.40—00.10 "Европа воқеаси". Бадий фильм.

ЎЗТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Менинг маҳаллам". 20.35 "Енгиндан сакланг!". 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 "Тошкент оқшомлари". 22.25 — 00.15 "Катта сайр". Бадий фильм (Франция).

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 "Ҳеч ким унутилмайди". 20.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп сериали бадий телефильм. 20.50 Фильмлар премьераси. 21.05 "К-2" таништирилади. 21.55 "Барча авлодлар мусиқаси".

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.40 "Қотил бунинг ўзи". Бадий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

17.55 "Инсон ва қонун". 18.30 "Ҳафтанинг акс-садоси". 18.50 "Мўйизалар майдониди". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.30 "Ҳафтанинг машқур киши". 20.50 Детективлар клубида. "Ден Огаст". Телесериал. 13-серия. 21.55 "Матбуот-экспресс". 22.05 — 22.55 "Взгляд" А. Любимов билан.

30

ШАНБА

ЎЗТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Қора шаҳзода". Бадий фильм. 10.05 "Шохрух" клуби. 10.35 "Жажжигина юраккинам". Достон Убайдуллаев. 11.25 "Сирли сандиқ". Телевизион ўйин. 12.25 "Ўзбекистон спорти". 12.55 "Едимда ўзинг...". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўғилбой Мухамедова. 13.35—14.45 Болалар учун фильм. "Кулол ва кўзача".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Кичкинтой" студияси. "Жажжи сўз". 18.25 "Оламог жилолари". Телефильм. 18.35 "Ешлик" студияси. "КИМГА ҚАНАҚА?". 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшлар. 19.55 "Борига барака". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Лирик концерт. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Ёшлар. 21.30 ТЕЛЕВИЗИОН МИНИАТЮРАЛАР ТЕАТРИ. 22.15 "ТУНГИ ЕРДУ". Дам олиш кинодастури.

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништирилади: 9.00 "Мультифейерверк". 9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёшлар. 10.00 Видеоид. 10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёшлар. 11.10 "Кинонигоҳ". 12.40 "Омад" тақими. 12.50 "Ҳожиба". 13.10 "Бир шингил хангома". 13.20 "Зиндаги еҳуд муҳаббат". 13.40 Видео янгиларлари. 14.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёшлар. 14.50 "Кинонигоҳ".

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Болалар учун. "Табасум". 20.30 "Бу ажойиб Қрим". Телефильм. 20.40 "Чемпион билан учрашув". Енгил атлетика бўйича республика чемпиони Ашвар Кучмуродов. 21.00 "Ўзбекистон"

ахбороти. 21.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ҚАРДОШЛИК ОИЛА-СИДА". 22.10 — 00.15 "Най учун езилган кўҳна куйлар". Бадий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

13.05 — 16.00

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

13.05 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 13.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 3 ЙИЛЛИГИГА. "ЮКСАЛИШ". 14.05 "Би-Би-Си" янгиларлари (инглиз тилида). 14.20 "Кашфиётлар оламида". 14.50 "Си-Эн-Эн" янгиларлари (инглиз тилида). 15.05 "Дидар" (қозоқ тилида). 15.40 "Бу ажиб дунё".

18.00 — 19.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Киномарфон. "Кеккайган капрал". Бадий фильм. 21.30 Яхши ният ўйинларида.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 — 23.50 "Серафима ороли". Бадий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 "Ушангача ва ундан сўнг". 18.40 "Коламбия пикчерс" таништирилади. "Бьюлаленд". Телесериал. 6-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.45 "Коламбия пикчерс" таништирилади. "Комиссар". Телесериал. 8-серия. 21.40 — 23.05 Яхши ният ўйинларида. Бокс. Финал. Велоспорт. 125 кмга гуруҳлар пойғаси. Эрақлар. Санкт-Петербургдан кўрсатилади.

31

ЯКШАНБА

ЎЗТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 77 — 78-сериялар. 10.00 "Ватанимга хизмат қиламан". 10.30 Телевизион миниатюралар театри. 11.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ЮРТ ҲАҚИДА ҚҶШИҚ". Бадий-публицистик кўрсатув. 12.05 Бахтиёр Тўлаганов куйлайди. 12.45—13.55 Болалар учун фильм. "Сеҳрли саргузашт".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Ўйинқароқ болалар". "Қойилмақам Гоша". Мультфильмлар. 18.15 "Санъат гўнаҳлари". 19.05 "Аҳвол қандай, чемпион!". 19.25 Ёшлар. 19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида). 20.00 Ёшлар. 20.05 Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" Давлат рақс ансамблининг концерти. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ҳафтанома". 21.30 Ёшлар. 21.35 "Ойна жажҳонда". 21.55 "ОТАЛАР СЎЗИ — АҚЛИНИНГ КЎЗИ". 22.55—00.10 "Келинлар кўзғолони". Бадий фильм.

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништирилади: 17.00 "Совга". 17.30 "4/8". Муслиқ кўрсатув. 17.55 Ёшлар. 18.05 Видео — "О". 19.45 Ёшлар. 19.55 "Рок ҳақида". 20.25 "Курьер". 20.45 "Юлдуз". Муслиқ кўрсатув. 21.25 "Даракчи". 21.35 Ёшлар. 21.45 Видео — "О".

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

13.00 — 16.00

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

13.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 13.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 3 ЙИЛЛИГИГА. "ДУНЕ ЭШИГИ". 13.55 "Би-Би-Си" янгиларлари (инглиз тилида). 14.10 "Интермулоқот". Швейцариянинг миллий байрамига. 14.45 "Си-Эн-Эн" янгиларлари (инглиз тилида). 15.00 Сиз ёқтирган қўшиқлар. 15.40 "Бу ажиб дунё".

18.00 — 19.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 "Си-Би-Эс" кинотеатри. "Даҳшат". Бадий фильм. 20.50 "Қсоша ҳу

МАНАС ДИЁРИДА “ЎЗБЕКИСТОН” ЧОЙХОНАСИ

1995 йил — қирғиз халқининг миллий достони “Манас”нинг 1000 йиллигини нишонлаш йили деб эълон қилинган. Бу тантанали равишда ўтказиладиган муборак тўйга қизгин тайёргарлик кўриломоқда. Ўзбекистонда, жумладан, Жиззах вилоятининг Дўстлик, Пахтакор, Зомин, Бахмал туманлари мактабларида фотомонтажлар чиқариляпти. “Манас” эпосининг тарихий, бадиий аҳамияти ҳақида суҳбатлар ўтказиляпти.

Юбилей муносабати билан шаҳар ва туманларда ўтказиладиган тадбирлар белгилаб олинди. Вилоятнинг қурилиш-саноат банкида ҳисоб рақами очилди. Ҳозир банкдаги ҳисоб рақамига Қирғизистоннинг Талас водийсида “Ўзбекистон” чойхонаси қурилиши учун пул жамғарилмоқда. Ҳозиргача 50 миллион сўм-купонга яқин пул тўпланди.

“Ишонч” мухбири.



ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ — “КАМАЛАК”ДА

Оролбўйи болаларининг ёзги дам олишларини мароқли ўтказишлари учун Қорақалпоғистондаги кўплаб хўжаликлар, корхоналар ҳомийлик қилишмоқда. Эллиққалъа туманидаги “Амиробод” жамоа хўжалиги ҳам “Камалак” ешлар оромгоҳини оталиққа олган.

Бу соғломлаштириш оромгоҳи Оқша кўл қирғоғига жойлашган. Ёз мавсумида мактаб ва лицейларда билим олаётган 900 нафар бола бу ерда ҳордиқ чиқаради. Улар ихтиёрида шинам ётоқхоналар, турли аттракционлар, ўйин

майдончалари мавжуд. Айниқса, овқатларнинг тўйимлиги ва хилма-хиллиги болаларни қувонтирмоқда. Тарбиячилар эса тўгаракларда, спорт майдончаларида болаларни қизиқтирган касб-хунарлар ва ўйинлар билан машғул бўлишларига бош-қош бўлмоқдалар.

Болаларнинг энг сеvimли машғулотларидан бири эса Оқша кўлда чўмилишдир.

СУРАТДА: Олтин ранг кум билан қопланган соҳил ва тиниқ суви кўлда чўмилаётган болалар. А. МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.



— Доктор, сиздан илтимос, қанақа бўлса ҳам мени операция қилиб қўйинг!

— “Қанақа бўлса ҳам”, деганингиз нимаси?

— Биласизми, бирор жойга меҳмонга борганимда ҳамма бири-бири билан тил топишиб касали ҳақида гаплашаверади. Мен эса жим ўтираман. Чунки соппа-соғман.

— Бир неча шифокорга учраб қандай қилиб озиш мумкинлиги ҳақида сўрадим. Бири: “Кўпроқ юриш керак”, дейди. Бошқаси бўлса денгизга дам олишга боринг, дейди. Сиз бунга нима дейсиз?

— Денгизга дам олишга пиёда боринг!

Кавказлик дўстини кўришга Россиядан меҳмон келди. Кавказлик меҳмонни шаҳар бўйлаб машинасида сайр қилдириб юрарди. Тўсатдан:

— Хей, хей, — деб қичқириб қолди меҳмон. — Светофорда қизил чироқ ёниб турибди-ку, сен ҳатто тормозни ҳам босмасдан ўтиб кетаясан!

— Билиб қўй, биз ўғил боламиз! — Светофорда яшил ёниб турибди-ку, нега юрмайсан?

— Қизил чироқдан менга ўхшаган бошқа ўғил бола ўтиб қолиши мумкин.

Ресторан ёпилишдан олдин икки официант, “учиб” қолган ҳўранда олдиға келишди. Уларнинг бири деди:

— Балки, уни кўчага чиқариб ташлармиз!

— Ҳечамда! Ҳар гал уни уйғотгани келганимда ҳисоб бўйича пул тўлайди, чой пули ҳам беради ва яна ухлайди.

— Мени бифштексимдан бармоғингизни олинг, — деди ҳўранда ресторан официантига. — Ахир бу ҳақорат-ку!

— Кечирасиз, — деб жавоб берибди официант, — агар уни бармоғим билан босиб турмасам кесаётганингизда ерга тушиб кетади.

Русчадан Н. НАЗИРОВ таржимаси.



Баъзан шеърлар туқийман.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат лавҳаси.

World Cup USA94



МАНА, бировларга қувонч, баъзи бировга алам бахш этган XV жаҳон чемпионати ҳам ниҳоясига етди. Марадонанинг аччиқ қисмати, колумбиялик Эскобар фожиаси, болгарларнинг маҳоратлари, Саленконинг рекорди ва... бразилияликларнинг тўртинчи марта жаҳон чемпиони бўлишлари...

Бу йилги чемпионат ўзига хос жиҳатлари билан мўъжизаларга бой бўлди. Айниқса, ҳакамларни ўйинга одилонга ёндошганликлари сабабли ҳар бир учрашув қизгин кечди. Чемпионат мезбонлари — АҚШ, Осиё, Саудия Арабистони ва Жанубий Курия терма жамоалари учун XV жаҳон чемпионати ҳақиқий “кашфийет” бўлди, десак янглишмаймиз.

Чемпионат қутилган қутилмаган натижалар, олдиндан қилинган башоратларнинг аксариятини йўққа чиқарди. Колумбия футболчилари

саралаш ўйинларида ҳатто Аргентина устидан 5:0 ҳисобида ғолиб келганликларини инobatга олиб, футбол қироли Пеле ҳам ушбу жамоани чемпионликка даъвогар деб ҳисоблаганди. Аммо бу башорат икки турдан сўнг саробга айланди. Айниқса, “автогол” соҳиби колумбиялик Эскобар фожиаси футбол ихлосмандларининг эсида узоқ вақт қоладиган бўлди.

Яна битта даъвогар — Аргентина

финалга олиб чиқди.

Кучлар жиҳатидан тенг бўлмаган икки жамоа — Болгария билан Германия терма командаларининг ўзаро юзлашиши минглаб шинавандалар башоратини пучга чиқарди.

Уч марта жаҳон чемпиони бўлган олмон футболчилари 1:2 ҳисоб билан болгарларга ютқазиб қўйишди.

Италиянинг ўйинларига, айниқса, мохир ҳужумчи Роберто Баджога



ўйинчиларини ҳам бу чемпионат сийламади.

Нимчоракдаги учрашувларни чемпионатнинг мўъжизаси деса бўлади. Чунки бу синозда Бразилия Оврупонинг етти жамоаси билан елгиз қолган эди. Кучи тенг бўлган Руминия ва Швеция ўйини эса 2:2 ҳисобида тугаб, уларнинг тақдири қўшимча берилган вақтда 11 метрлик тўплар тепиш орқали ҳал бўлди. Швед дарвозабони Гавеллининг маҳорати жамоадолларини ярим

тахсин ўқимасдан иложимиз йўқ. Финалга йўлланма олган ушбу жамоа учта ўйинда жами 2:1 ҳисобида устунликка эришиб, сўнгги ҳал қилувчи учрашувда ҳам бу ҳисобни такрорламоқчи эдилар. Аммо... Финалда Америк диёридаги айримларнинг яна бир бор кўз ёши тўкишларига тўғри келди.

Италия ва Бразилия футболчилари юзма-юз келдилар. Ҳисоб 7:7 эди. 24 йиллик танаффусдан сўнг юзлашаётган бу

икки жамоа 1970 йилда “Олтин маъбуд” учун курашган бўлишса, бу гал эса тўрт карра чемпионликка даъвогар эдилар.

Ўйин деярли “курашсиз” ўтди. Финал ўйинларига хос бўлган эҳтиёткорлик 0:0 ҳисобини 120 дақиқа ўтганга қадар ҳам ўзгартирмади. Бироқ футбол тарихида биринчи марта чемпионатнинг сўнгги ўйини 11 метрлик тўплар тепиш орқали ҳал бўлиб ўйинни 3:2 ҳисобида бирақайига ҳал қилди қўйди. 1,5 миллиард “зангори экран” томошабинлари Баджонинг бундай ноаниқ зарба беришини тушларида ҳам тасаввур қилмаган бўлсалар керак. Ўзининг кучли маҳорати билан Италияни энг оғир йўллардан олиб чиққан Баджо бу сафар жамоаси юзини ерга қаратди. 3:2 ҳисобида ғолиб келган Бразилия терма жамоаси футбол тарихида биринчи бор тўрт карра жаҳон чемпионлигига эришди. Қитъаларо ҳисоб эса 8:7.

Францияда ўтадиган кейинги жаҳон чемпионатида бу ҳисобни ким ўзгартири оларкин энди? Дарвоқе, Оврупода Оврупо, Америкада Америка жамоалари устун эканлигини доим эсда тутмоқ керак.


Ҳайрулло ҲАМИДОВ.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир ўринбосари
Акмал АҚРОМОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,
Абдуманноп АЛИМБОВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Турғунбой МАДИЁРОВ,
Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб),
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,
Муҳайе ТЎЛАГАНОВА,
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ
(бош муҳаррир).



• Бош муҳаррир қабулхонаси —

56-25-36

• Бош муҳаррир муовини — 56-52-89

• Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Қасаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63

• Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ
МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ
ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-32-24

Бухорода — 3-50-10

Гулистонда — 2-24-98

Жиззахда — 2-31-41

Навоийда — 3-52-99

Наманганда — 6-22-10

Нукусда — 2-44-46

Самарқандда — 35-64-22

Термизда — 2-70-07

Тошкентда — 56-82-79

Фарғонада — 4-28-29

Урганчда — 6-03-40

Қаршида — 5-33-71

• Мухарририятга келган кўлэмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик қилмайди. Мақола-лардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



• СОТУВДА эркин нарҳда.

• Шанба кунлари чиқади.

• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул:

Турғун НАЗАРОВ

Саидазим ШАРОФХОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,

«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• 69384 нусхада босилди.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат кўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. • Буюртма Г-1062.

1 2 3 4 5 6